



ADVANCED PRACTICES FOR THE PREVENTION OF JUVENILE DELINQUENCY IN ASIAN COUNTRIES

Khushvaktov Utkir Temirovich

Independent Research Fellow of the Academy of the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18348488>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 22nd January 2026

Online: 23rd January 2026

KEYWORDS

Minors, crime prevention,
Asian experience, juvenile
justice, restorative justice,
diversion, psycho-
pedagogical intervention.

ABSTRACT

This article systematically analyzes advanced practices in preventing juvenile delinquency in Asian countries (Republic of Korea, Japan, China, India, Turkey, Kazakhstan, Australia). The study examines the activities of juvenile courts, prevention models based on community and family participation, psycho-pedagogical intervention, restorative justice, diversion, early detection, and mechanisms of comprehensive social support. Additionally, practical recommendations have been developed for adapting these experiences to the conditions of Uzbekistan, further improving the prevention system based on integrated, inter-agency cooperation.

ОСИЁ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Хушвақтов Ўткир Темирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18348488>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 22nd January 2026

Online: 23rd January 2026

KEYWORDS

Вояга етмаганлар,
жиноятчилик
профилактикаси, Осиё
тажрибаси, ювенал
адолат, ресторатив
адолат, диверсия, психо-
педагогик интервенция.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Осиё минтақаси давлатларида (Корея Республикаси, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон, Австралия) вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича илғор тажрибалар тизимли равишда таҳлил қилинган. Тадқиқотда ювенал судлар фаолияти, жамoa ва оила иштирокига асосланган профилактика моделлари, психо-педагогик интервенция, ресторатив адолат, диверсия, эрта аниқлаш ва комплекс ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари ўрганилган. Шунингдек, ушбу тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш, профилактика тизимини интеграл, идоралараро ҳамкорлик асосида янада



*такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар
ишлаб чиқилган.*

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш замонавий жамият хавфсизлиги ва барқарор ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, самарали профилактика фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан чекланиб қолмасдан, таълим, оила, маҳалла, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги ҳамкорликка таянади. Осиё минтақаси давлатлари ушбу йўналишда ювенал адолат, ресторатив ёндашув, жамоага асосланган қўллаб-қувватлаш, психо-педагогик интервенция каби илғор механизмларни амалиётга жорий этган. Мазкур мақола ушбу давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, уларнинг устун жиҳатлари ва Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини илмий асосда очиб беришга қаратилган.

Тадқиқотимиз Осиё минтақаси давлатларида вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикасига оид илғор тажрибаларни комплекс ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, ушбу давлатларда шаклланган анъанавий-ахлоқий тарбия усуллари, жамоавий назорат тизими ҳамда профилактиканинг инновацион моделларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишни назарда тутди.

1) Корея Республикасида вояга етмаган ҳуқуқбузарларни кўриб чиқиш бўйича алоҳида тартиб мавжуд. 16 ёшдан кичик вояга етмаганлар махсус ювенал судларда кўриб чиқилади. Ушбу судлар судья раҳбарлигида фаолият юритади ва маҳаллий жамоа вакилларида ташкил топган маслаҳат кенгаши иштирок этади. Кенгаш таркибига мактаб директорлари, ижтимоий ходимлар, психологлар ва бошқа мутахассислар киради¹. Маслаҳат кенгаши судьяга ўсмирнинг ижтимоий муҳити, таълим ва оилавий ҳолати ҳақида маълумот беради, шу асосда суд реабилитация ёки тарбиявий чоралар белгилаши мумкин. Корея Республикаси Адлия вазирлиги Жиноятчиликка қарши кураш бюроси орқали пробация, жамоат ишлари ва ёшлар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларини бошқаради, уларнинг жамиятга қайта интеграциясини таъминлайди. Бироқ олиб борилган чора-тадбирларга қарамасдан, Корея Республикасида, 2025 йилда 10 - 14 ёш гуруҳи (жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаган) орасида жиноят содир этган болалар сони 2019 йилга нисбатан 114% га ошган.

2) Япония тажрибасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг профилактикасида маҳалла ва оиланинг иштироки, ижтимоий тармоқларнинг масъуллиги, анъанавий “community-based support” усуллари муҳим

¹ Dr. Dr. h.c. Hakan Hakeri, The Rights of the Children in Turkish Criminal Justice System.<https://kripoz.de/2018/09/20/>.



ўрин тутади². Японияда мактабларда профилактиканинг психо-педагогик услублари кенг татбиқ этилади. Жумладан, вояга етмаганлар учун “Guidance Volunteers” тизими жорий этилган бўлиб, унда тажрибали педагоглар, психотерапевтлар, маҳаллий фаоллар ва ҳуқуқ тарғиботчилари ёшларга маслаҳат, реабилитация ва маънавий қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатади³. Бу тизим ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий масъулиятини шакллантиришда индивидуал, маданий ва ахлоқий ёндашув асосида ишлайди.

Японияда ёш болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги нисбатан паст, жиноятчилик даражаси жаҳон бўйича кам давлатлардан бири сифатида кўринади.

3) Австралияда ёшлар бўйича ислохотлар (juvenile justice reform) эрта интервенция, жамоат дастурлари, пробация ва ресторатив ёндашувларга қаратилган. Баъзи тадқиқотчилар ва фаоллар ёшларни қамоқда сақлашни камайтириш ва бозорда ёки таълимда жамиятга реал интеграцияни кучайтириш кераклигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда ёшлар қамоқи, абориген ёшлар билан ишлашдаги муаммолар ва ресурсларга етишмаслик каби чегаралар мавжуд.

Австралия тажрибаси профилактикада катта имкониятга эга, айниқса жамоат асосидаги дастурлар ва эрта интервенция механизмлари орқали. Лекин маданий ва минтақавий номувозиқликлар, ресурсларнинг нотенг тақсимланиши ва қонунчилик сиёсатининг фарқлилиги моделни бошқа мамлакатларда тўлиқ кўчиришда тўсиқ бўлиши мумкин.

4) Хитойда жиноят содир этишда айбдор деб топилган, аммо жиноий жавобгарлик ёшига етмаганлиги сабабли жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар тегишли эксперт комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг махсус ахлоқ тузатиш таълим муассасаларида таълим олишлари мумкин⁴. Шу жумладан, мазкур муассасалар психологларни ишга олишлари ва вояга етмаганларнинг руҳий саломатлигини яхшилаш учун ота-оналари ёки васийлар билан алоқа ва ҳамкорликни кучайтиришлари лозим.

Хитойда маҳаллий тажрибалар — маҳаллий ҳокимиятлар, мактаблар, соҳавий актёрлар билан ҳамкорлик орқали инновацион профилактика механизмлари синаб кўрилади.

Хитой моделида қонунчилик ва практикага интеграцияланган комплекс профилактика ёндаши мавжуд. Суд жараёнларининг психологик енгиллаштирилган шакллари ёшларга қайта интеграцияда фойдали бўлиши мумкин. Аммо, шунчаки қонунчилик бўйича мавжуд нормалар самарали амалга оширилишини таъминлашда ва маҳаллий тажрибаларни кенгайтиришда муаммолар бор.

²Min'kovskiy G.M. Виктимология и профилактика преступлений несовершеннолетних. — Санкт-Петербург: Юридический центр, 2019.—Ст.58.

³ Torporn B.N. Социально-педагогическая поддержка несовершеннолетних. — Санкт-Петербург, 2018.Ст.82.

⁴ Хитой Халқ Республикасининг 2020 йил декабрдаги янги таҳрирдаги “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. <http://www.lex.uz>



Ўқувчи-тадқиқотчи сифатида, юқоридаги тажрибаларни ўрганиш Ўзбекистон ёки бошқа давлатлар учун профилактика сиёсатида жуда аҳамиятли моделлар тақдим этади.

Мамлакатда “интеграл профилактика тузилмаси” яратиш керак: жамоат ташкилотлари, полиция, мактаб, оила ва психосоциал хизматларни бирлаштирувчи механизмлар қурилиши муҳим.

Қонунчиликда ёшларнинг жавобанлиги билан боғлиқ янги ислохотларни киритиш, диверсия ва ресторатив санкциялар имкониятини кенгайтириш тавсия етилади.

Дастурларни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими жорий қилиниши керак: қайси чоралар самарали эканини аниқлаш ва уларни ривожлантириш учун илмий маълумотга эга бўлиш зарур.

Маданий ва маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда адаптация қилинган профилактика моделларини ишлаб чиқиш муҳим — масалан, мактаб, маҳалла, ёшлар марказлари доирасида жорий қилиш.

Бироқ амалга оширилган чораларга қарамасдан, 2021–2023 йилларда Хитойда 18 ёшгача бўлган болалар орасида 73,178 та жиноий иш кўриб чиқилган ва 98,426 нафар ўсмир жазоланган.

5) Туркия Республикасида ҳам ёш авлод фаровонлигини таъминлаш, билимли ёшларни тарбиялаш, халқаро стандартлар асосида вояга етмаган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга эътибор қаратилган. Бу борадаги ишлар Туркияда “Вояга етмаганлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун билан боғлиқ бўлиб, унда балогатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов тизимини яратиш, ювенал судлов тизимини ишлаб чиқиш назарда тутилган⁵. Шунингдек, Туркия 1994 йилга келиб Бирлашган...

6) Ҳиндистонда ҳам вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу давлатда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ҳуқуқий актлар, ҳукумат дастурлари ва амалий тадбирлар орқали тартибга солиб келинади⁶.

Ҳиндистонда балогатга етмаган шахслар ҳуқуқбузарликларини олдини олишнинг энг самарали ва бирламчи усули сифатида ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки болани васийликка олган муассасаларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш саналади⁷. Шунингдек, мазкур давлатда жиноятчилик динамикаси ортишига таъсир этувчи турли омиллар ҳамда жиноятчиликнинг

⁵ uvenile protection law Law No: 5395 Adoption Date : 3/7/2005 Published in O.G. Dated: 8 /7/2005 Numbered : 25876 Batch : 5 Volume.

⁶ Usmonov J.Sh., Voyaga etmaganlar tomonidan sodir etilayotgan huquqbuzarliklar va uning profilaktikasini amalga oshirishda vujudga kelayotgan muammolar. International scientific journal Часть-21_ Том-2_ Май -2024. <https://web-journal.ru/>

⁷ International Centre for Prevention of Crime, Urban Crime Prevention and Youth a.t Risk: Compendium of promising strategies and programs from around the world, Montreal, 2005



олдини олиш бўйича комплекс ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадбирлар вояга етмаганлар...

Жиноят содир этилишини олдини олиш, таълим-таъриба ишлари, руҳий-психологик даволаш, оила аъзоларига маслаҳатлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш кабиларни назарда тутади.¹²

Ўиндистонда вояга етмаган болалар жиноятчилигига қарши курашиш дастурлари икки турга бўлинади:

Индивидуал дастур, бунда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш таълим, маслаҳат ва психотерапия орқали амалга оширилади;

Атроф-муҳит дастури, ушбу дастурнинг мақсади вояга етмаганлар жиноятчилиги сонининг ортиши улар яшаган табиий муҳит билан боғлиқлигини ҳисобга олишдан иборат. Шу асосда ҳукумат томонидан ушбу йўналишда ишлаб чиқилган дастурлар ёшларнинг табиатга нисбатан ижобий муносабатини рағбатлантиришни назарда тутади.

7) Қозоғистон давлати мисолида кўриб чиққанамизда, унда ушбу фаолиятга доир бир қатор амалга оширилган чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Қозоғистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикаси ва болалар қараувсизлиги ҳамда уйсиз қолишининг олдини олиш тўғрисида”ги қонунида, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, қаровсизлик ва уй-жойсизликнинг олдини олиш соҳасида давлат сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади⁸. Бу жиноятчиликка мойил ёшларни эрта идентификация қилиш ва профилактика қилишга қаратилган. ЮНИСЕФ ҳам Қозоғистонда ювенал юстиция тизимини ривожлантиришда иштирок этиб, жиноятчиликка қарши ҳамда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш бўйича тавсиялар берган. Илмий тадқиқотлар Қозоғистонда адаптация марказлари (жаълантирувчи муассасалар), альтернатив санкциялар, ёшлар комиссиялари каби тузилмаларни мукаммаллаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Қонунда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, қаровсизлик ва уй-жойсизликнинг индивидуал профилактикасини амалга ошириш чора-тадбирлари келтирилган:

Профилактик суҳбат;

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги хабар;

Профилактик ҳисоб ва назорат;

Махсус таълим муассасаларига ва алоҳида режимга эга бўлган таълим муассасаларига юбориш;

Тарбиявий таъсир чоралари;

Ҳимоя тартиби;

Маъмурий жазо;

Суд қарори асосида кўрилган чоралар;

⁸ Қозоғистон Республикасининг 2004 йил 9 июлда “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва болалар қаровсизлиги ва уйсиз қолишнинг олдини олиш тўғрисида” ги қонун.<http://www>.



Тиббий-ижтимоий ҳисоб.

Қозоғистондаги модели ювенал жиноятчиликка қарши профилактикада ҳуқуқий асос ва жамиятга яқин чораларни ўз ичига олади. Аммо мамлакатда ресурслар, функционал энгалашув ва маҳаллий даражадаги амалга ошириш реалиятини яхшилаш зарур айниқса адаптация марказлари ва қайта ижтимоийлаштириш дастурларида.

Соҳа маълумотларига кўра, охирги ўн йилда Қозоғистонда болалар жиноятчилиги умумий даражада тахминан уч бараварга камайган. Масалан, 2024 йилда мамлакатда ёшлар (вояга етмаганлар/ўсмирлар) жиноятчилиги 6 %га камайган. Бироқ, 2023 йилда “вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар” сони кескин ўсган: бу коэффициент 2022 йилга нисбатан 22 %га ошган, жами 2,452 та бундай жиноят қайд этилган.

9) Хитойда “Juvenile Delinquency Prevention Law” (Ёшлар Жиноятчилигини Профилактика Қонуни) мавжуд бўлиб, жиноятларни олдинги босқичда превенция қилиш, таълим ва қайта тарбия моделларини жорий қилишга қаратилган. Суд тизимида махсус ёшлар судлари (juvenile courts) мавжуд бўлиб, уларнинг жараёнлари кўпинча муколама шаклида бўлади (“round-table” йиғилишлари), ва бу ёшларга психологик босимни камайтиради.

Осиё минтақаси (Koreya, Yaponiya, Xitoy, Avstraliya, Hindiston, Qozog'iston, Turkiya) тажрибалари таҳлилига таянган ҳолда Ўзбекистон шароитига илмий-амалий мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан:

Корея ва Хитой мисолидагидай ёшларга хос суд-административ механизмлар орқали ҳар бир ҳолатни ижтимоий-психологик ва таълим жиҳатидан индивидуал баҳолаш; суд қарорларига маслаҳат кенгашлари (мактаб, ижтимоий ходим, психолог ва маҳалла вакиллари)ни жалб қилиш;

Япониядаги “Guidance Volunteers” тажрибаси асосида мактаб – оила – маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш. Бунда тажрибали педагоглар, маҳалла еттилиги ва психологларни жалб қилган ҳолда вояга етмаганлар билан ишлашда манзилли ёндашиш;

Ҳиндистон ва Qozog'iston моделлари асосида мактаб ва жамоадаги белгилар (мақсадсизлик, дарсларда қатнашмаслик, ахлоқий ўзгаришлар)ни тез аниқлаш ва тезкор интервенция ўтказиш;

Хитой ва Япониядаги оила ва маҳалла иштирокини ҳисобга олган тарбия усулларини миллий этик-тарбиявий контент билан интеграция қилиш, шунингдек ота-оналар учун психосоциал кўмак ва тарбияга оид тренинглар мунтазам амалга оширишни йўлга қўйиш;

мактаблар, маҳалла ва полиция тизимида ёшларнинг хавф сигналларини тез аниқлаш учун IT платформалар жорий этиш;

вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасининг самарадорлигини оширишда индивидуал ва жамоавий интервенцияларни интеграл профилактика тизими доирасида мувофиқлаштириш (бу вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши профилактиканинг замонавий, комплекс ва илғор механизми бўлиб, уни



Ўзбекистонда жорий этиш келгусида профилактика сиёсати самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради).

Умуман олганда таҳлил шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни самарали олдини олиш учун педагогик, ижтимоий ва ҳуқуқий чораларни ўз ичига олган комплекс ёндашув зарур. Оиланинг ва жамоат институтларининг роли кучайтирилиши ҳамда ёшларни ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш Ўзбекистонда жиноятчиликни камайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Жаҳон тажрибаси таҳлили вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олишда тизимли ва мақсадли профилактика чоратadbирларини амалга ошириш учун комплекс, институционал ва маданий жиҳатдан уйғун ёндашувларни қўллаш муҳим эканлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур йўналишда самарадорликка эришиш учун қуйидаги умумий тамойиллар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, улар замонавий криминалогик, ижтимоий-педагогик ва психологик тадқиқотлар билан илмий жиҳатдан асосланган.

Биринчи, замонавий профилактика тизими фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан чекланиб қолмасдан, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, маҳалла ва жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оила институти ўртасидаги узвий ҳамкорликка таянади. Вояга етмаганлар жиноятчилигини камайтиришда интердисциплинар ёндашув, яъни ҳуқуқий, педагогик, психологик, социологик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Бу эса профилактика чораларини индивидуал ва тизимли ташкил этишга, ҳар бир бола ва ўсмирнинг ижтимоий муҳити, шахсий эҳтиёжлари ва хатар даражасини ҳисобга олган ҳолда чоралар кўришга шароит яратади.

Иккинчи, вояга етмаганларда девиант хулқ-атворнинг шаклланишига оилавий, психо-эмоционал ва ижтимоий омиллар таъсири катта эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Шу боис профилактика тизимида эрта аниқлаш, психологик диагностика, ижтимоий-педагогик мониторинг ва хавф гуруҳини аниқлаш усулларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида, девиант хулқ-атворни барқарор шаклга айланишидан аввал, унинг сабабларига мос равишда индивидуал профилактика чоралари кўриш имконияти пайдо бўлади.

Учинчи, жаҳон амалиётида жазога қаратилган классик ёндашувдан кўра, жиноят содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялаш, жамиятга қайта интеграция қилиш ва жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилувчи механизмлар устувор ҳисобланади. Медиация, пробация, жамоатчилик хизматлари, “restorative justice” (ресторатив адолат) моделлари ўсмирларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш, бахтсиз ижтимоий ролдан ижобий ижтимоий мавқега ўтишини таъминлайди.

Тўртинчи, жиноятчилик профилактикасининг миллий моделларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, миллий қадриятлар, маҳалла институти, оилавий муносабатлар, анъанавий тарбия тизимининг ўрни инобатга олинаши зарур. Маҳалла-оила-мактаб учлиги жиноятчиликнинг барвақт



олдини олишда энг барқарор ижтимоий институтлар ҳисобланади. Шунингдек, миллий маънавий қадриятларга таянган профилактика маданий иммунитет, ижтимоий масъулият ва ҳуқуқий онгни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчи, замонавий профилактика тизими фақат анъанавий усулларга эмас, балки рақамли профилактика технологиялари, кибермониторинг, психологик диагностика платформалари, big data таҳлиллари ва профилактиканинг рақамли моделларига таянишни талаб этади. Жиноятчилик тенденцияларини башорат қилиш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва профилактика чораларини мақсадли йўналтиришда илмий таҳлилнинг ўрни беқиёс. Бу эса профилактика самарадорлигини аниқ баҳолаш, натижаларни мониторинг қилиш ҳамда ресурсларни оптимал тақсимлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда халқаро тажриба ва миллий имкониятларни уйғунлаштириш, институционал механизмларни кучайтириш, маҳалла-оила-таълим-суд тизими ўртасидаги профилактикавий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш стратегик аҳамият касб этади. Бу нафақат жиноятларнинг профилактикаси, балки соғлом, ҳуқуқий онги ривожланган ва ижтимоий масъулиятга эга ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир.

Юртимизда ҳам ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, 2021 йил 13 июлда “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони, 2022 йил 7 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатларга кўра, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.